

НООТРОП ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДАГИ АССОРТИМЕНТ ТАҲЛИЛИ

Ашуров А.А., Ибрагимов Ш.И.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.,

Тошкент Фармацевтика институти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар: дори воситаси, ассортимент, ноотроп дори воситаси, фармацевтика бозори, Давлат Реестри, маҳаллий доривор хомашё, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги(МДХ).

Тадқиқот мақсади. 2020-2022 йиллар учун контент- таҳлилидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги ноотроп дори воситалар ассортиментини ўрганиш. Ҳозирги вақтда ушбу усуллар тадқиқотнинг асосий усули сифатида фаол қўлланилади.

Тадқиқот усуллари. Фармацевтика бозорининг потенциалини белгиловчи маркетинг кўрсаткичи дори воситаларининг ассортиментидир. Таҳлилларни ўтказиш жараёнида объект сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил учун 24-сонли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Рейестрлари; 2021 йил учун 25-сон; 2022 йил учун №26-сонлари қўлланилди.

Натижалар: Олинган натижалар шуни кўрсатдики, импорт ноотроп дори воситаларининг хорижий давлатлардан кириб келиши охириги 3 йилликда 2021 йилда ошган, 2022 йилга келиб эса сезиларли даражада пасайган. МДХ давлатларида эса бу кўрсаткичлар аксинча 2021 йилди пасайиб кетган, 2022 йилга келиб сезиларли даражада ошган. Худди шундай маҳаллий ноотроп дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш охириги 3 йилда ошиб борган.

Хулоса: Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ноотроп дори воситаларининг 22-24-сонли реестрларда ассортиментини ўрганиш асосида юқоридаги дори воситаларининг ассортименти ҳам дозалаш шакли, ҳам дозалаш шакли бўйича хилма-хиллиги билан ажралиб туриши аниқланди. дори воситаларининг келиб чиқиш манбасига муносабати. Юқоридаги дориларнинг келиб чиқиши бўйича энг катта улуш пирацетам ва ситиколиндан олинган дориларга тўғри келади. Шундай қилиб, маҳаллий доривор хомашё асосида янги дори шакллари яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова: лекарственное средство, ассортимент, ноотропный препарат, фармацевтический рынок, государственный реестр, отечественное лекарственное сырье, Содружество Независимых Государств(СНГ).

Цель исследования. Изучить ассортимент ноотропных препаратов на фармацевтическом рынке Узбекистана с использованием контент-анализа на 2020-2022 годы. В настоящее время эти методы активно используются в качестве основного метода исследования.

Методы исследования. Маркетинговым показателем, определяющим потенциал фармацевтического рынка, является ассортимент лекарственных средств. В процессе проведения анализов в качестве объектов использовались государственные реестры лекарственных средств и изделий медицинского назначения Республики Узбекистан № 24 за 2020 год; № 25 за 2021 год; № 26 за 2022 год.

Результаты: полученные результаты показали, что проникновение импортных ноотропных препаратов из зарубежных стран увеличилось за последние 3 года в 2021 году, а к 2022 году значительно снизилось. А в странах СНГ эти показатели, наоборот, снизились к 2021 году, значительно

увеличившись к 2022 году. Аналогичным образом, за последние 3 года увеличилась регистрация местных ноотропных препаратов.

Вывод: на основании изучения ассортимента ноотропных препаратов, зарегистрированных в Республике Узбекистан в регистрах 22-24, было установлено, что ассортимент вышеуказанных препаратов отличается большим разнообразием как лекарственной формы, так и лекарственной формы выпуска. отношение наркотиков к источнику происхождения. Наибольшая доля в происхождении вышеуказанных препаратов приходится на препараты из пирацетама и цитиколина. Таким образом, важно создавать и внедрять в производство новые формы лекарственных средств на основе отечественного лекарственного сырья.

ABSTRACT

Keywords: medicine, assortment, nootropic drug, pharmaceutical market, state register, domestic medicinal raw materials, Commonwealth of Independent States(CIS).

The purpose of the study. To study the assortment of nootropic drugs in the pharmaceutical market of Uzbekistan using content analysis for 2020-2022. Currently, these methods are actively used as the main method of research.

Research methods. The marketing indicator that determines the potential of the pharmaceutical market is the range of drugs. In the process of conducting analyzes, state registers of medicines and medical products of the Republic of Uzbekistan No. 24 for 2020; No. 25 for 2021; No. 26 for 2022 were used as objects.

Result: the results obtained showed that the penetration of imported nootropic drugs from foreign countries increased in the last 3 years in 2021, and by 2022 it decreased significantly. And in the CIS countries, these indicators, on the contrary,

decreased by 2021, significantly increased by 2022. Similarly, the registration of local nootropic drugs has increased in the last 3 years.

Conclusion: based on the study of the assortment of nootropic drugs registered in the Republic of Uzbekistan in registers 22-24, it was found that the assortment of the above drugs is distinguished by a wide variety of both the dosage form and the dosage form. the attitude of drugs to the source of origin. The largest share in the origin of the above drugs falls on drugs from piracetam and Citicoline. Thus, it is important to create and introduce new forms of drugs into production on the basis of domestic medicinal raw materials.

Долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги бир неча ўн йил ичида ортиқча тана вазни ва семизлик муаммоси бутун дунёда кучайиб бормоқда. 2015-йилнинг ўзида юқумли бўлмаган касалликлар 40 миллион одамнинг умрига завоЛ бўлди, бу еса дунё бўйича барча ўлим ҳолатларининг 70 фоизини ташкиЛ қилади. Ўзбекистонда ҳар йили барча ўлим ҳолатларининг 78 %и юқумли бўлмаган касалликлар туфайли юз бермоқда.

Ноотроп ёки нейрометаболик стимуляторлар - бу мианинг юқори интеграл функцияларига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, кортикал-субкортикал алоқаларни яхшилайдиган, мианинг зарарли омилларга, шу жумладан экстремал стресс ва гипоксияга чидамлилигини оширадиган дорилар. Бундан ташқари, ноотроплар неврологик нуқсонларни камайтириш, интеллектуал фаолиятни рағбатлантириш, ҳаттоки хотирани яхшилаш ва ўқув жараёнини осонлаштириш қобилиятига ега.

Ушбу атама 1972- йилда пираретамнинг сезгир-когнитив соҳага таъсирини тавсифлаш учун киритилган. Мобиллаштирувчи турдаги психостимуляторлардан фарқли уларок, ноотроплар психомотор кўзғалиш,


тананинг функционал имкониятларини йўқотиш, гиёҳвандликка олиб келмайди. Бугунги кунда ноотроп дорилар Россияда ҳам, чет елда ҳам жуда динамик ривожланайўтган дорилар гуруҳидир. Тирик организм биотизимларида ноотроп дориларнинг ролини тушуниш самарали дориларнинг янги синфларини яратишнинг калитидир.

Тадқиқот мақсади. 2020-2022 йиллар учун контент- таҳлилидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги ноотроп дори воситалар ассортиментини ўрганиш. Ҳозирги вақтда ушбу усуллар тадқиқотнинг асосий усули сифатида фаол қўлланилади.

Тадқиқот усуллари. Фармацевтика бозорининг потенциалини белгиловчи маркетинг кўрсаткичи дори воситаларининг ассортиментидир. Таҳлилларни ўтказиш жараёнида объект сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил учун 24-сонли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Рейестрлари; 2021 йил учун 25-сон; 2022 йил учун №26-сонлари қўлланилди.


Натижалар: Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат берилган ноотроп дори воситалари номенклатураси охириги 3 йиллик таҳлил натижалари шуни кўрсатдики 2020 йилда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган 58 турдаги ноотроп дори воситалари рўйхатдан ўтган, фоизларда ифодалаганда бу кўрсаткич 2020 йилда рўйхатдан ўтган 4908 та дори воситаларининг 1.18% ини ташкил қилди. 2021 йилда бу кўрсаткич 68 тани ташкил қилиб, умумий рўйхатдан ўтган 5729 та дори воситаларининг 1.19% ини, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 66 таниташкил этиб, умумий рўйхатдан ўтган 5900 та дори воситасининг 1.12% ни ташкил қилди (Расм 1).

Расм 1



Худди шундай МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган ноотроп дори воситалари ўрганиб чиқилганда, 2020 йилда 61 тани ташкил этиб, фоизда 3.33% ни, 2021 йилда 61 та, лекин умумий рўйхатдан ўтган дориларни 3.29%ини ва 2022 йилда бу кўрсаткич 62 тани, умумий рўйхатдан ўтганларни 3.32% ни ташкил қилди (Расм 2).


Расм 2



Мааллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ноотроп дори воситалари ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 2020 йилда 49 турдаги дори воситалари рўйхатдан ўтган бўлиб, умумий рўйхатдан

Ўтказилган ДВ ларнинг 1.82% ни, 2021 йилда бу кўрсаткич 74 тани ташкил этиб, умумий рўйхатдан ўтган дори воситаларининг 2.41% ини, 2022 йилда эса 72 та турдаги ноотроп дори воситаси рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бу умумий фоизнинг 2.31%ини эгаллаши маълум бўлди(Расм 3).


Расм 3



Олинган натижалар шуни кўрсатдики, импорт ноотроп дори воситаларининг хорижий давлатлардан кириб келиши охириги 3 йилликда 2021 йилда ошган, 2022 йилга келиб эса сезиларли даражада пасайган. МДХ давлатларида эса бу кўрсаткичлар аксинча 2021 йилди пасайиб кетган, 2022 йилга келиб сезиларли даражада ошган. Худди шундай махаллий ноотроп дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш охириги 3 йилда ошиб борган.

Ўзбекистон Фармацевтика бозорида махаллий ноотроп дори воситалари ва импорт дори воситалар улуши ўрганилганда биргина 2022 йилда рўйхатдан ўтказилган ноотроп дори воситаларнинг 36% и махаллий дори воситаларига 64%и импорт дори воситаларига тўғри келиши аниқланди(Расм 4).

Расм 4




Сон кўрсаткичларда ифодалаганда улар қуйидагича бўлади:

Жадвал 1

Йиллар	2020	2021	2022
Маҳаллий	49	74	72
МДХ	61	61	62
Хорижий	58	68	66
Жами	168	203	200

Расм 5



Рўйхатдан ўтказилган ноотроп дори воситалари дори шакли бўйича таҳлил натижаларига кўра, энг кўп рўйхатдан ўтган импорт дорилар ичида инъекцион эритмалар, кейинги ўринда таблетка ва капсула дори шакли етакчилик қилмоқда. 2021 йилдан бошлаб ноотроп дори воситаларида шамчалар, суртмалар, спрей каби янги дори шакллари МДХ давлатларидан кириб келган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан импорт дори шаклларида мавжуд бўлмаган гель, настойка, спрей дори шакллари ишлаб чиқарилган(жадвал 2).

Жадвал 2

Дори шакли	2020			2021			2022		
	Ўз б	МД Ҳ	Хорижи й	Ўз б	МД Ҳ	Хорижи й	Ўз б	МД Ҳ	Хорижи й
Гранула			1					1	
Томчи	3	1	1		1	1		2	1
Капсула	3	10	6	7	6	6	7	8	7
Инъекция эритмаси	14	30	33	59	24	47	57	25	44
Таблетка	14	19	15	5	15	11		13	11
Сироп		1	2	2		3	2		3
Гель	1				2		5	2	
Филтр-пакетчалар	11								
Настойка	1								
Спрей	1							1	
Суртма					3			4	

Шамчала					9			8	
р									

Халқаро патентланмаган номланиши бўйича ноотроп дори воситалари таҳлил қилинганда, чет элда ишлаб чиқарилган дори воситалар ичида катта миқдорда Citicoline* таркибли ва мураккаб таркибли дорилар рўйхатдан ўтказилган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ноотроп дори воситаларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилди. Таҳлил натижасида халқаро патентланмаган номланиш тури бўйича МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилар етакчи бўлиб чиқди. Охириги 3 йилликда 27 хил таркибли ноотроп дори воситалари рўйхатдан ўтказилгани аниқланди.

2020 йилда 15 хил таркибли, 2021 ва 2022 йилда 12 хил таркибли ноотроп дори воситаларга тўғри келган (жадвал 3).


Жадвал 3

Халқаро патентланмаган номенклатура	2020			2021			2022		
	Уз б	МД Х	Чет эл дав	Уз б	МД Х	Чет эл дав	Уз б	МД Х	Чет эл дав
Aminophenylbutyric acid*		4	3	2		3	2		3
Choline alfoscerate		7	6	2		5	2		6
Citicoline*		11	28	23		42	22		38
Comb.drug		10	10	21	9	11	23	12	9
Hypothalamic phospholipids		2	1				3		2
Peptid complex*			2			2			2
Phenibut		2	1			1			1
Piracetam		12	7			2	12		4
Acidum gamma - aminobutyric*		1							
D,L-Hopantenic acid &		1		3					
Glutamic acid		1							
Hopantenic acid		7							
Hopantenic acid		1							
Idebenone		1							
Nicotinol gammaaminobutyric acid*		2							
Xolina alfosserate		1							

Dioxomethyltetrahydropyrimidine*					3			3
Emoxipine					1			1
Ethylmethylhydroxypiridine					6			
Fluconazole					1			3
Melatonin					1			
Meldonium					5			3
Meloxicam					2			1
Memantine					2			1
Meropenem					7			7
Metformin					3			2
Methyluracil*					3			3
Metoclopramide					2			2
Metoprolol					1			1
Metronidazole					8			7
Phenylephrine*					1			1
Povidone Iodine					1			1
Sumatriptan					1			1
Thiamazole					1			1


Ноотроп дори воситаларини ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлил қилиб чиқилганда, чет эл давлатлари ичида яққол устунлик Ҳиндистон давлатида, кейинги ўринларда эса Туркия ва Испания давлати ишлаб чиқарувчилар эканлиги маълум бўлди (Расм 5).

Расм 5



МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган ва рўйхатдан ўтган ноотроп дори воситалари ўрганилганда эса бу кўрсаткичлар қуйидагича бўлди, Россия, Беларусия, Украина ва Грузия давлати ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган ноотроп дори воситалари энг кўп рўйхатдан ўтказилган экан(Расм 6).

Расм 6



Хулоса: Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ноотроп дори воситаларининг 22-24-сонли реестрларда ассортиментини ўрганиш асосида юқоридаги дори воситаларининг ассортиментини ҳам дозалаш шакли, ҳам дозалаш шакли бўйича хилма-хиллиги билан ажралиб туриши аниқланди. дори воситаларининг келиб чиқиш манбасига муносабати. Юқоридаги дориларнинг келиб чиқиши бўйича энг катта улуш пирацетам ва ситиколиндан олинган дориларга тўғри келади. Шундай қилиб, маҳаллий доривор хомашё асосида янги дори шакллари яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва тиббиёт буюлари”
Давлат Реестри 24 –нашр (2020).
2. Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва тиббиёт буюлари”
Давлат Реестри 25 –нашр (2021).
3. Ўзбекистон Республикаси “Дори воситалари ва тиббиёт буюлари”
Давлат Реестри 26 –нашр (2022).
4. Егоров, С.В. Ноотропные препараты при лечении неврозоподобных расстройств сосудистого генеза у больных пожилого возраста: Автореф. дис. канд. мед. наук: 14.00.18 /Егоров Сергей Владиславович. М.,1996. - 20с.
5. Фармакоэпидемиология ССС в различных регионах Республики Узбекистан.